Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА № 190 (685). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ НЬЮ-ЙОРКДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 сентябрь куни Нью-Йоркдан Тошкентга қайтиб келди.

Мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида нштирок этди ва нутқ сўзлади.

Тайёрагоҳда Ислом Каримовни республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Э. Халилов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳам бор эди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги фармойишни чиқарди:

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, «ЭКОСАН» жамғармаси ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Кўрик-танловни муваффақиятли ўтказиш ва унга кенг жамоатчиликни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги давлат ва хусусий тизимларини жалб этиш учун:

жойларда кўрик-танловни ўтказишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳлар тузилиб, уларга аниқ ваколатлар берилсин;

вилоят телерадиоэшиттириш компаниялари, маҳаллий матбуот, «ЭКОСАН» ва «Маҳалла» жамғармалари бўлимлари, шунингдек, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотлари билан биргаликда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» вилоят, шаҳар ва туман кўрик-танловини ўтказиб, ғолибларни аниқлаб, танлов якунларини республика жюрисига кўриб чиқиш учун тақдим қилсин;

санитар-гигиеник, экологик, тиббий-профилактик ва ободонлаштириш масалаларини ҳал қилишда кўрик-танловнинг барча босқичлари зарур шарт-шароитлар билан таъминлансин;

экология ва саломатлик кунларини ўтказиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда энг яхши маҳалла ва оила кўригини ўтказиш кенг тақдирлансин. Ғолибларни мукофотлаш учун хайрия ёрдамини кўрсатишга истак билдирган корхоналар, ташкилотлар ва тижорат тизимлари маблағларидан фойдаланилсин.

Соғлиқни сақлаш, Коммунал хизмат кўрсатиш, Ички ишлар, Маданият ишлари, Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалик вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш ва Ўрмон хўжалиги давлат комитетлари, «Ўзмевасабзавотвинсаноат», «Ўзозиқовқатсаноат» концернлари, «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» ассоциацияси, Архитектура-қурилиш давлат комитети Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши федерацияси ва Ўзбекистон, Ёшлар уюшмаси Марказий Қўмитаси билан ҳамкорликда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танловини ўтказишда бевосита қатнашиб, бу ишга тармоқ ташкилотлари, нжодий ходимлари ва жамоатчиликни жалб этсинлар.

Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими зиммасига юклатилсин.

• *Кичик корхоналар истиқболи*

«РЕОН»НИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ



Жиззахдаги машҳур «Сўғдиёна» фирмаси «Реон» ун маҳсулотлари комбинатини ишга туширганига салкам уч йил бўлса-да, унинг унумдорлик билан ишлай бошлаганига эндигина ярим йил бўлди. Чунки дастлабки кезларда Японияннинг махсус схемали техникасини тушунмаганлиги туфайли кўп раҳбарлар алмашди. Эр-хотин мутахассислар Олимжон ва Мавлуда Ортиқовалар корхонани қабул қилиб олишгач, иш ўрнидан силжиди. Улар энг аввало Япониядан келтирилган «Реон» машинасининг хусусиятларини ўрганишга киришдилар. Аввалги пайтларда бу машиналарда бор-йўғи икки-уч хил маҳсулот тайёрланган эди. Билишса, гап фақат у билан тил топишишда экан. Япониядан мутахассис чақириш керак, деган фикрга келишди. Келган мутахассис ўн кун мобайнида машина «сир»ларини ўргатди. Натижада маҳсулот тури шу давр ичида ўндан ошиб кетди. Кейин комбинат Японияга иш ўрганиш учун ўз вакилларини юборди.

Шоира УРДУШЕВА: 1991 йил сентябрь ойида биз ўн икки кун Токиодаги корхонада бўлиб иш ўргандик. Машиналарни қандай программалаштириш, иш жараёнини алмаштириш йўлларини билиб олдик. Ҳозир бундай аппаратлар фақат Москвада, Ригада ва Жиззахда бор, холос. Бу машиналарда истаган нарсангизни истаганча тайёрлаш мумкин.

Фақат бир нозик жиҳати шундаки, агар программа бўйича нонни олий нав ун ва сариққа пиширш кўрсатилган бўлса, белгиланган маҳсулотни нормада солиш шарт. Акс ҳолда машина юрмайди. Шу туфайли тайёрланган маҳсулотлар сифати юқори бўлади. Бу ўз навбатида нархнинг баланд бўлишига олиб келади. Аммо бизда харидорлар имкон қадар арзонроқ маҳсулотга ўч бўлишади. Шу тахлит бошқа корхоналар маҳсулотларига нисбатан «Реон» маҳсулотларига харидор кам келяпти.

— Ғам еманг, ҳадемай сизга ҳам харидор кўпайиб кетади, — дея юпатдик биз Олимжон акани.

— Биз-ку ғам еганимиз йўқ-а, аммо ана шундай юқори қувватли машиналарнинг умри бекор ўтаётганига ичинг ачир экан.

Бизга айтишларича, ҳозир «Реон» қирқдан ортиқ турдаги ун маҳсулотлари тайёрлашга қодир. Ҳаммаси асл сариғ ва олий нав ундан тайёрланар экан.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

СУРАТДА: цех бошлиғи Мавлуда Ортиқова бошқарув пультида.

ЯНГИЛИКЛАР ❋ ФАКТЛАР ❋ ВОҚЕАЛАР ❋

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МУҲИМ ҚАДАМ

Эртаги парламент қандай бўлади! Унинг тартиби ва таркибичи! Бу саволлар айни пайтда республиканинг барча фуқароларини қизиқтираётганлигига шак-шубҳа йўқ. Демак, умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юксак талаблар даражасида бўлиши керак. «Халқ сўзи» мухбирлари Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти бир гуруҳ мутахассисларидан лойиҳа ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини билдиришларини илтимос қилдилар.

Мирикой ФАЙЗИЕВ,
ҳуқуқшунослик фанлари доктори:



— Сўзимнинг аввалида қонун лойиҳасидаги янги ҳолатларни алоҳида таъкидлашни истар эдим.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси республикамиз Асосий Қонуни сингари жаҳон сайлов қонунчилиги ва амалиётининг афзалликларидан фойдаланиб яратилган. Уни тайёрлаш жараёнида Олмония, Англия, Туркия, Австрия, Швеция, Италия, Малайзия, Польша, Болтиқбўйи давлатлари, Россия, Украина ва бир қатор МДҲ мамлакатларининг қонун ҳужжатлари батафсил ўрганилди ва фойдаланилди. Агар эътибор берган бўлсангиз, унда сайлов округлари ташкил этишнинг меъёрлари ўзгартирилган. Ҳозир бизда ҳар бир сайлов округига 20 минг сайловчи тўғри келади. Энди эса унинг миқдори 70 минг кишига ўзгартирилаяпти.

Қонун лойиҳасига кўра, Олий Мажлис сайлови кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Яъни, Олий Мажлис ҳудудий сайлов округлари бўйича беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат бўлиши назарда тутиляпти. Сайлов кампанияси муддатини икки баробар камайтириш мўлжалланмоқда.

Номзодни сиёсий партиялар ҳамда вакиллик органлари ўзлари белгилайди. Ҳар бир партия ҳамда ҳокимият 2—3 кишининг номзодини кўя олади.

Лойиҳада бундан ташқари яна бир қанча янгиликлар ўз ифодасини топган. Шунга қарамай, у камчиликлардан ҳам холи эмас.

Бизнинг фикримизча, қонун лойиҳаси номига «депутатлар» сўзи қўшиб ёзилса, айни муддао бўлур эди.

Лойиҳанинг 3-моддасидаги хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлигини қайд этиш ортиқча, деб ҳисоблаймиз. Чунки у республика Конституциясида алоҳида тилга олинган. Лойиҳанинг тўртинчи бобида номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар номи санаб ўтилган. Унинг сонини янада кўпайтириш керакка ўхшайди. Чунки касаба уюшмалари, олимлар ва ёшлар ташкилотлари бир неча юз минг сайловчиларни уюштира олиш қувватига эга. Улар ҳам номзод белгилаш ва кўрсатишда иштирок этсалар айни муддао бўлур эди.

Ўткир АМИРОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент



— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини очиқ билдиришлари кафолатланганлиги, сайловда фуқароларнинг тенг қатнашиш ҳуқуқи таъминланиши кўзда тутилганлиги билан характерлидир. Айни вақтда сайловларнинг кўп партиявийлик асосида ўтказилиши ҳамда уларга ўз дастурини баён қилиш ҳуқуқи берилиши мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги устивор йўналишларга амал қилинаётганлигини кўрсатади.

Мен қонунни янада такомиллаштириш учун унга муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим деб ҳисоблайман.

Лойиҳанинг 13-моддасида округ сайлов комиссияларининг ваколатлари белгиланган. Ушбу модданинг 12-бандида бу комиссия «сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди», дейилган. Бизнингча, ягона сайлов бюллетени матнини тузиш, тасдиқлаш ваколати Марказий сайлов комиссияси эммасига юклатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

35-моддада «сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги фойдаланадиган тилларда нашр этилади», дейилади. Ушбу моддада «Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари барча вилоятларда давлат тилида нашр этилади», деб қўйилса, шунинг ўзи кифоя. Бунинг учун барча асослар мавжуд. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 1-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» дейилган. Бу эса республиканинг ҳамма ҳудудларида бюллетенлар ягона тилда ёзилишини талаб этади.

Лойиҳанинг 22-моддасида «Суд томонидан лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ёки судланган шахслар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас», дейилган. Бу моддадаги қоидани қўллаб-қувватлаш билан бирга Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатишда судланган шахсларнинг сайланиши қатъиян ман қилинишини мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Табиийки, судланган шахслар ҳар хил бўлиши мумкин. Айтайлик, кўпгина оқилу фозил кишилар, жумладан ўқитувчи, маҳалла қўмитасининг раислари, корхона раҳбарлари, жамоа хўжалиги раислари ва бошқалар тасодифан енгил машиналарида бир кишини туртиб кетиб, муайян муддатга мажбурий хизматга тортилган бўлиши мумкин. Бундай кишиларни одам ўлдирганлар қаторига асло қўшиш мумкин эмас. Шунинг учун бу моддадаги «судланган» деган сўз ўрнига «содир қилган жиноятига қараб судланган кишилар ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин» деб қўшиб қўйишни тавсия қиламан. Бу билан биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаган бўламиз.

Конституциямизга биноан Олий Мажлис Ўзбекистоннинг Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шу боисдан ҳам унга сайланадиган депутатлар зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юкланади. Шундай экан, унинг таркибига юксак билим ва малакага эга бўлган депутатларнинг сайланиши давр тақозосидир.

Озод ҲУСАНОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.



— Ушбу қонун лойиҳаси сайлов ўтказишни демократиялашга йўналтирилганлиги билан эътиборга лойиқ. Унда округ ҳамда участка комиссияларини тузишда давлат органлари иштирок этмаслиги, комиссия раиси, ўринбосари ва аъзолари бирор-бир сиёсий партия ёки ҳаракатларнинг аъзоси бўла олмаслиги таъкидланган. Лойиҳада сайлов жараёнини назорат қилувчи ташкилотлар давлат органлари, партия ва ҳаракатлардан холи равишда иш олиб бориши кафолатланадики, буни таб риклаш керак.

Шу билан бирга мажмуада айрим баҳсли ўринлар ҳам учрайди. Лойиҳанинг 21-моддасида «Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун сиёсий партия сайлов тайинлангандан кейин ўн кун ичида номзодлар кўрсатиш мўлжалланаётган сайлов округларини кўрсатган ҳолда партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги аризани, шунингдек сиёсий партия Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши лозим», — деб кўрсатилган. Аслида Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар ҳеч қандай қўшимча саъй-ҳаракатларсиз тўғридан-тўғри номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Умуман, лойиҳада номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси кенгайтирилса тўғри бўларди.

Лойиҳанинг 22-моддасига кўра, номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар билан бирга ҳокимият органларига ҳам берилиши назарда тутилган. Бу мушоҳарали масала. Шундай қилинса, айрим номзод кўрсатувчиларга имтиёз берилган бўлиб қолади. Шу тартибда номзод кўрсатилиб, у Олий вакиллик органига сайланса, ўз номзодини кўрсатган орган олдида бурчдор бўлиб қолиши мумкин.

Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида марказнинг таъсири ва кўрсатмасисиз ишлаб чиқилган мажмуадир. Қабул қилинадиган ҳар қандай ҳужжат каби бу қонун ҳам Ўзбекистоннинг қандай давлат эканлигини, у қандай йўл тутиб бораётганлигини жаҳонга кўз-кўз қилиши табиий. Шунинг учун мажмуа ҳақиқий давлат шартларига тўла жавоб бериши керак.

К. ШЕМЕТАЕВ, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди:



— Маълумки, янги Конституция Олий вакиллик органи мақомига катта ўзгартишлар киритди. Демак, Олий вакиллик органи таркибида энди ҳар қандай малакали, ҳуқуқий масалани мукаммал ҳал қила оладиган депутатлар бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги қонун лойиҳаси аввалгисидан тубдан фарқ қилади.

Мавриди келган экан, қонун лойиҳаси борасида баъзи бир мулоҳазаларимизни билдирмоқчи эдик.

Лойиҳанинг 10-моддасида Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, комиссия котиби ва камида 12 нафар аъзодан иборат тартибда тузилиши белгиланган. Бизнингча, Марказий сайлов комиссиясига Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятлардан ҳамда Тошкент шаҳридан биттадан аъзо киритилса ва аъзолар сони 14 тага етказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Комиссия раиси ўринбосари ва комиссия котибини ҳам Олий Мажлис тасдиқлагани маъқул. Чунки шу моддага кўра, уларни эгаллаб турган вазифасидан Олий Мажлис озод қилади.

Лойиҳанинг 26-моддасида номзоднинг ишончли вакили ҳамда унинг ҳуқуқий ҳолати ҳақида қоидалар белгиланган. Лекин унинг иш ҳақи масаласида ҳеч нима дейилмаган.

45-моддада такрорий овоз бериш ҳақида гап боради. Менимча, «такрорий овоз беришда бошқа номзодга нисбатан иштирок этган сайловчиларнинг кўпроқ овозини олган номзод Олий Мажлис депутатлигига сайланган деб ҳисобланади», — деган қоидани «сайловда иштирок этган сайловчиларнинг эллик фоизидан кўпроқ овоз тўплаган номзод сайланган ҳисобланади», деб ўзгартириш керак. Чунки Олий вакиллик органига сайланадиган номзод сайловчиларнинг ярмидан кўпроғи овозини олиши шарт.

Умуман олганда, Олий Мажлис сайловни ҳақидаги янги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат Олий вакиллик органига муносиб аъзоларни танлаш имкониятини беришига шак-шубҳа йўқ.

«МОҲИР ҲАМШИРА — 93»

Яқинда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг шаҳар қўмиталари томонидан «Моҳир ҳамшира —93» кўрик-танлови ташкил этилди.

Танловдан мақсад, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шифокорлик фазилатларини шакллантириш, касбий билимларини янада чуқурроқ эгаллашларига кўмаклашиш, шунингдек, миллий тиббиёт сирлари ва тарихини мукаммал ўрганишлари учун шароит яратишдир.

Танловда уддабуронлик, билимдонлик каби ҳамширага хос фазилатларини намойиш этган уч нафар қиз ғолиб бўлди. Уларнинг учови ҳам тиббиёт институтларидан бирига тест-синовсиз қабул қилинадиган бўлдилар. Биринчи ўрин соҳибаси Камола Ҳасанова 250 минг сўм пул ва Туркияга етти кунлик бепул йўлланма, иккинчи ўрин соҳибаси Гулбаҳор Бурҳонова 150 минг сўм ва МДҲ давлатларидан бирига етти кунлик бепул йўлланма билан тақдирландилар. Учинчи ўринни эгаллаган Сабоҳат Абдуллаева эса 100 минг сўм пул ҳамда Ўзбекистоннинг энг яхши санаторийларидан бирида бепул ҳордиқ чиқариш ҳуқуқини қўлга киритди.

Кўрик-танловни ўтказишда «Фотон», «Оникс», «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кабель» заводи, республика «Наврўз» хайрия жамғармаси ва бошқа бир қанча ташкилотлар ҳомийлик қилишди.

Файзулла БОБО ДЎСТ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲОРМАНГ, НОЗИР!

Азимжоннинг Андижон шаҳар ички ишлар бўлимига оддий милиционерликка қабул қилинганига йигирма йилдан ошди. Хизмат давомида топшириқларни бекаму-кўст уддалади. Жамоада муносиб обрў қозонди. Унга ишонч билдиришиб, Кунжи қишлоқ кенгаши худудига участка нозири этиб тайинлашди. 14 минг аҳоли истиқомат қиладиган бу жой шаҳарга яқин, турли тартиббузарликлар кўп учрарди. А. Холиқов жамоатчиликка таяниб, ишни қайтадан ташкил қилди, айниқса, маҳалла қўмиталари фаоллари билан яқин алоқада бўлди. Олиб борилган қатор тадбирлар, тушунтириш ишлари ўз самарасини берди, жиноятчилик кескин камайди.

Яқинда Азимжон Холиқовни Пахтаобод ва Кунжи қишлоқ кенгашлари катта нозирлигига ўтказишди. Республика Ички ишлар вазирлигининг энг яхши нозирлар учун ўтказган танловида махсус совғин билан тақдирланган Азимжон айни кунларда ҳам жамоат тартибини сақлаш бўйича фаоллик кўрсатмоқда.

Жамила МАТМУСАЕВА,
жамоатчи мухбир.



ТОШКЕНТ. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Себзор даҳасида жойлашган 46-билим юрти хотин-қизларнинг севимли даргоҳига айланиб қолган. Бу ерда улар тикувчилик ва бичувчилик, шунингдек тўқувчилик касбларини ўрганишади ва мазкур корхонага ишлаш учун йўлланма олишади. Ушбу билим юртининг директори ўринбосари Вазира Содиқова биз билан суҳбатда айни пайтда мазкур даргоҳда 15 нафар ўқитувчи 570 нафар ўқувчига касб сирларини ўргатаётганлигини маълум қилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Янги аппарат ўз лаштирилмоқда. 2. Ҳожия Акромова янги маҳсулот тўғрисида машғулот ўтказмоқда. 3. Она тили ва адабиёти дарси. Ўртада билим юрти ўқитувчилари: Шоҳида Камолова, Вазира Содиқова, билим маскани раҳбари Малоҳат Исматуллаева ва Ақида Мамарасуловалар. Пастда ўқув хонасида машғулот.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК БЎЙИЧА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИ 1994 ЙИЛГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ ОЛИШ УЧУН ИЖОДИЙ ТАНЛОВГА ҚЎЙИДАГИ НОМЗОДЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

АДАБИЁТ ВА АДАВИЁТШУНОСЛИК СОҲАСИДА

1. **ШУКРУЛЛО** — «Кафансиз кўмилганлар» хотира романи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тақдим этган.

2. **Барот БОИҚОВИЛОВ** — «Навоийнома» чоркитоби.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ишлари вазирлиги тақдим этган.

3. **Натан МАЛЛАЕВ** — «Сўз санъатининг гултожи» («Ҳамса» талқинига бағишланган илмий-адабий рисола).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тақдим этган.

КИНЕМАТОГРАФИЯ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СОҲАСИДА

Мақсуд ЮНУСОВ — постановкачи-режиссёр; **Муҳамадали АБДУҚУНДУЗОВ** — Навоий, Бобур ва чўлпон роллари ижрочиси; **Саидкамол РАСУЛОВ** — постановкачи-рассом; **Ўрол ЎТАЕВ** — адабий-бадиий раҳбар. Ўзбекистон телевидениесида яратилган ва намойиш этилган кўп қисмли «Лайли ва Мажнун», «Бобур», «Кеча ва кундуз» видеофильмлари.

Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси тақдим этган.

ТЕАТР САНЪАТИ ВА МУСИҚА СОҲАСИДА

1. **Юнус РАЖАБИЙ** (раҳматлик) — ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси тақдим этган.

2. **Абдулла ОРИПОВ** — шоир, **Мустафо БАФОЕВ** — композитор. «Ҳажнома» ораторияси.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда мазкур театр ижодий жамоаси тақдим этган.

МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА

1. **Асадулла Ашрабович ХУЖАЕВ** (раҳматлик) — меъморчилик қурилиш мажмуи раҳбари, **Евгений Григорьевич РОЗАНОВ** — муаллиф ва муаллифлар гуруҳи раҳбари, **Фарҳод Юсупбоевич ТУРСУНОВ** — муаллиф, **Музаффар Нуриддинович НАЗАРОВ** — меъморчилик мажмуини бадиий-технологик жиҳозлаш ва ундан фойдаланиш ишлари мутасаддиси.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройи меъморчилик мажмуи.

Ўзбекистон меъморлари уюшмаси тақдим этган.

2. **Ҳошимхўжа МАҲАДИЕРОВ** — меъмор, **Улаш ЖАЛОЛОВ** — қурувчи, **Улмас МАҲМАДМУРОДОВ** — иш раҳбари, **Мусо ҒУЛОМОВ** — меъмор.

Ургут шаҳри ва қишлоқларида бунёд этилган янги меъморчилик мажмуи.

Ўзбекистон меъморлари уюшмаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги тақдим этган.

ХАЛҚАРО ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА

1. **Аҳсан БОТУР** — турк адиби ва таржимони. «Ўтган кунлар», «Улуғбек хазинаси», «Қўҳна дунё», «Кафансиз кўмилганлар» асарларининг турк тилида чоп этилган таржимаси.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ва «Ўзбекистон — Туркия» жамияти бошқаруви тақдим этган.

2. **Камол ЭРАСЛАН** — турк олими. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур ва Машраб асарларининг туркча нашри ва тадқиқи бўйича эълон қилинган ишлар туркуми.

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ва «Ўзбекистон — Туркия» жамияти бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси адабиёт институти жамоаси тақдим этган.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси 1994 йилги Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига тақдим этилган асарлар рўйхатини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўймоқда. Бундан мақсад, мазкур асарлар ҳақида матбуот, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар орқали билдирилган фикрлардан, шунингдек, жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, китобхонлар ва томошабинларнинг холис баҳоларидан хабардор бўлиш ва уларни ҳисобга олишдир. Шу билан бирга, адабиёт, санъат ҳамда меъморчилик соҳасининг Алишер Навоий номидаги энг олий давлат мукофотлари фақат учта экани инобатга олиниши зарур. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, мукофотга тақдим этилган асарлар ҳақида ҳавойи мақтовлар эмас, балки уларнинг ютуқ ёки камчилигини ишонарли тарзда, холисона исбот этадиган таҳлиллар умумий ишимизга ёрдам бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам қўмитамиз мукофотга тақдим этилган асарлар муҳокамасининг хайрихоҳлик ва юксак талабчанлик руҳида ўтишига умид билдиради. Муҳокамада қатнашадиган барча ташкилотларга, жамоа вакилларига, мутахассислар, адабиёт ва санъат мухлисларига ушбу муҳим ва олижаноб ишга қўшажак ҳиссалари учун олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри — 700003, Туроб Тўла кўчаси, 1, 217-хона. Телефонлар: 45-72-46, 45-75-25.

Жаҳон 24 соат ичида

ҒОЛИБЛАРНИ СОВРИНЛАР КУТМОҚДА

Япония пойтахтида VI халқаро кинофестиваль иш бошлади. Токионинг энг яхши кинозалларида 10 кун мобайнида 173 та фильм намойиш этилади.

Киноанжуманга 40 давлатдан 246 ижодий иш тавсия этилган эди. Улар орасидан Япония, Россия, Америка, Канада, Франция, Португалия, Германия, Хитой кино усталарининг 13 фильми саралаб олинди. Бу фильмлар асосий танловда ғолиблик учун даъвогарлик қилади. Ғолиб фильмлар олий мукофот ва совринлар билан тақдирланади.

АМЕРИКА СЕНАТОРЛАРИНИНГ САХОВАТИ

Америка Қўшма Штатлари сенати Президент Клинтонга Россия ва собиқ СССР республикаларига 2,5 миллиард доллар миқдорида ёрдам беришни таклиф этди. Таклиф лойиҳаси кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди. Бирорта ҳам сенатор бу масалага қарши чиқмади, деб хабар беради «Вашингтон пост» газетаси.

КУЧЛИ ЁМҒИР ЕТКАЗГАН ТАЛАФОТ

Бомбей шаҳрида узоқ давом этган кучли ёмғир натижасида 20 киши ҳалок бўлди. Ҳиндистон ахборот маҳкамасининг хабар беришича, уларнинг кўпчилиги жала оқибатида қулаган бинонинг тагида қолиб ҳалок бўлган. Табиий офатдан саноат корхоналари ҳам катта зарар кўрди. Ишчилар ишга чиқмаяпти. Транспорт воситалари ҳаракати, мактаб ва коллежлардаги машғулотлар тўхтатиб қўйилган.

ҚОЗОҒИСТОН—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

Қозоғистон мудофаа вазирлиги билан Америка Қўшма Штатлари делегацияси ўртасида ядро қуролларини чеклаш ҳақида музокаралар бўлиб ўтди. Собиқ СССР ҳудудидаги мавжуд ядро воситаларини зарарсизлантириш билан шуғулланадиган бу делегация Қозоғистоннинг амалий ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Ядро қуролларини чеклаш ҳақидаги Лиссабон битимига ҳар икки томоннинг қатъий амал қилаётганлиги таъкидланди. Делегация раҳбари Жеймс Гудбн Америка муаммони ҳал этишда Қозоғистонга молиявий ёрдам кўрсатишини айтди. Қозоғистон делегациясига республика мудофаа вазири Сағадат Нурмагамбетов бошчилик қилди.

УКРАИНА ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЯНГИ ҚАРОРИ

Украина парламенти Президент ва Олий Кенгашга ишонч ҳақидаги 1993 йил июнь қарорини бекор қилди. Қабул қилинган янги қарорга мувофиқ парламентга сайлов 1994 йилнинг 27 мартида, президентлик сайлови эса 1994 йилнинг 26 июнида ўтказиладиган бўлди.

• *Иқтисодий ислоҳот: хусусий корхоналарда*

БОРДИЮ, АЛДАСА, МИЖОЗЛАРИ КАМАЯВЕРАДИ...

Хуршид Раупов ҳақида илгарилари ҳам кўп эшитганман. Бировлар уни «Тиниб-тинчимас, ишнинг кўзини биладиган тадбиркор киши», деб таърифлашади. Айримлар эса «Ҳа, ўз фойдаси учун адашмайди», дея мужмалроқ гап қилишади. Лекин бундайлар саноқли. Нима бўлганда ҳам, шаҳарлик автомобиль эгалари Хуршид ака ва унинг «Лидер» корхонаси ходимлари хизматидан миннатдор.

«Лидер» хизматчилари ҳар бир таъмирланган шинанинг қирқ-эллик минг километр йўлни бемалол босиб ўтишига кафолат беришади. Уларнинг иши билан сўзи бир. Чунки корхона — хусусий. Агар бирор кишини алдашса, демак, у бу даргоҳга иккинчи марта қадамини босмайди. Корхона мижозидан айрилиб, даромад камаяди. Шу сабабли улар ҳар бир буюртмани вақтида, сифатли бажаришга интиладилар.

Бундан бир неча йил муқаддам «хусусий» сўзи бизда аллақандай ёт тушунчани англатадиган ибора мақомига тушиб қолган эди. Бугун эса фақат Самарқанд вилоятининг ўзида ўнлаб, юзлаб хизматнинг турли соҳаларида ихтисослашган ана шундай корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Хуршид Рауповнинг «Лидер» хусусий корхонаси — буларнинг қалдирғочларидан бири.

— Давр ўзгариб, ишбилармон, тадбиркорларга йўл очила бошлагач, бу соҳада ўзимни синаб кўришга қарор қилдим, — дейди ушбу мулк эгаси биз билан бўлган суҳбатда. — 1986 йилда хусусий машина эгаларини жамлаб, вилоятда биринчи такси кооперативини туздим. Бу кейинги ишларимизнинг дебочаси бўлди. 1987 йилда банкдан 150 минг сўм ссуда олдик. Лекин ўйлаган режамни амалга ошириш учун бу маблағ етмасди. Мен ўшанда шина таъмирлайдиган хусусий корхонамни очишга қарор қилган эдим. Темирйўл тумани ҳудудидан 50 сотих ташландиқ ерни олиб, учта вагон-уйларда иш бошладик. Автомобиль корхоналарида ишлаб юрган кезларимда орттирган тажрибам қўл келди. Россиянинг Ярославль, Украинанинг Днепропетровск, Беларуснинг Минск шаҳарларидан шина таъмирлаш ускуналарини сотиб олдик. Улар билан резина етказиб бериш ҳақида шартнома туздим...

Бир пайтлар ташландиқ ҳисобланган ерларда ҳозир Хуршид аканинг мўъжаз корхонаси қад кўтарган. Эҳ-ҳе, бу бинолар тиклангунча у қанча-қанча ташвишни бошидан ўтказмади, дейсиз. Пулига сотиб оладиган ҳар бир нарса учун неча-неча эшикка бош урди. Бири олийгоҳ комсомол ташкилотида, иккинчиси вилоят режа-иқтисод қўмитасида, учинчиси вилоят спорт қўмитасида ишлаётган ўғилларини ҳам ёнига олди. Кейин қўлидан иш келадиган кишиларни таклиф қилди.

— Ҳозир давлат мулкини хусусийлаштириш масаласи турли соҳаларда анча тезлашаяпти. Бунинг учун ҳатто махсус бошқарма ҳам тузилган. Лекин, ростини гап, бор нарсани хусусийлаштиришдан йўқ жойда хусусий корхона тузиш жуда мушкул экан. Буни фақат шу ишга қўл урган одам тушунади, — дейди Хуршид Раупов.

...Хуршид ака билан суҳбатлашиш мароқли. Одам одатда ўз ишини пухта биладиган, мақсади равшан киши билан суҳбатлашса, шундай ҳисни туяди. Хуршид Раупов эса корхонасида бажариладиган барча жараённинг ипидан-игнасигача ўзлаштирган. Керак бўса, ҳар қандай ишчининг ҳам, муҳандиснинг ҳам ўрнини боса олади. Унинг ишни яхши йўлга қўйганлиги туфайли корхона кўрсаткичи йилдан-йилга ошиб боряпти. 1989 йилда 5000 та шина таъмирланган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 30000 тага етди.

«Лидер»нинг иши билан чуқурроқ танишар эканман, бир нарсага ишончим ортди. Агар ҳар бир туман ёки шаҳарда 50-60 та ана шундай хусусий корхона тузилиб, ишбилармонлар ихтиёрига топширилса борми, улар ўша жойни ҳам бойитадилар, юзлаб кишига эса иш ҳам топиб беришади. Зеро, улар ҳеч қачон эришган ютуғи билан қаноатланиб қолмайди. Доим хаёлларида янги ҳавас, янги ғоя билан яшайдилар.

Ҳозир Хуршид аканинг «Лидер» корхонасида янги шина ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётир. Бир кеча-кундузда ўн дона тайёрланаяпти. Сентябрь ойида унинг сони 70-80 тага етади. Ҳозирча унинг таннархи 14800 сўмга тушаяпти.

— Хусусий корхона эгасининг қанча мулки бўлиши мумкин, биласизми? — савол билан менга мурожаат этади у ва жавоб ололмаслигига кўзи етди шекилли, яна ўзи гапира бошлайди. — Шуниси қизиқки, ука, буни менам билмайман. Лекин бундай корхона эҳтиёжи учун қанча нарса керак бўлса, барисини олишга ҳақли, деб юрардим. Мана, бир мисол. Биз юк ташиш, одамларни ишга олиб келиш, элтиб қўйиш ва бошқа эҳтиёжлар учун ўн иккита машина, трактор харид қилганмиз. Давлат автомобиль назоратидагилар эса «Бунча техникани сизнинг хусусий корхонангиз номига расмийлаштириш мумкин эмас», дейишди. Энди нима қилиш керак? Ахир ишлаб чиқариш эҳтиёжлари тақозо этмаса, мен уларни нима қилардим? Йўқ, уларга тушунтиролмадим... Бундай муаммоларни эса корхона фаолиятида ҳар куни учратасиз. Лекин вақти келиб, ҳаммаси изга тушиб кетишига ишонаман.

— Хуршид ака, сиз омади чопаётган ишбилармонлардансиз. Лекин атрофдагилар бундайларга фақат ҳавас қилишмайди. Уларнинг орасида битта-иккита ҳасадгўйлар ҳам топилади... Сиз шундайларга қандай қарайсиз?

— Биласизми, мен ҳамиша ҳавас билан яшашга интилганман. Эҳтимол, бу ишга ҳам шунинг учун қўл ургандирман. Бугун мустақиллигимиз туфайли ҳавасларимиз рўёбга чиқишига йўл очилибдими, нега ўткинчи ҳасадгўйлардан қўрқишимиз керак? Ҳа, мен сармоям кўп бўлишини, катта-катта корхоналар қуришни орзу қиламан. Лекин бунга қинғир йўл билан эмас, балки ўз меҳнатим, тадбиркорлигим, қолаверса, билимим туфайли эришиш ниятидаман. Мен топган бойликнинг бир қисмини шу юрт эҳтиёжига сарфлашни ният қилганман. Бунинг нимаси ёмон?

Иншоолло, ниятимиз холис бўлса, Оллоҳ ишимизга омад беришига ишонаман.

Музаффар МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Бир хат изидан*

ИЗСИЗ КЕТГАН ЖИНОЯТЧИ

ЕКИ «ДЕСАНТЧИ»ЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚОРА ҚИЛМИШЛАРИ БОИС ЖАБРЛАНУВЧИГА АЙЛАНГАН МИЛИЦИОНЕР ҲАҚИДА

Халқимизда «Ўтин ёрган болта кўчада қолар», деган нақл бор. Шунга ўхшаш воқеа етти йилча муқаддам Хоразмда содир бўлган эди.

...1986 йилнинг кеч кузи. Урганч шаҳридаги Гайдар номли рус тилига ихтисослаштирилган мактабининг юқори синф ўқувчилари Қўшкўпир туманидаги Киров (ҳозир О. Жуманиёзов) номли жамоа хўжалиги далаларида пахта теришарди. Эл уйқуга кетар чоғи туман ички ишлар бўлимига яккаёлғиз яшаётган М. исмли кампирнинг уйида қонли босқинчилик рўй бергани ҳақида ташвишли хабар келади. Воқеадан огоҳ этилган туман ички ишлар бўлимига бошлиғи вазифасини бажарувчи Рўзимат Иброҳимов, жиноят қидирув гуруҳи катта нозири, милиция капитани (эндиликда собиқ) Давлат Шерматов ва участка нозири Шомурод Сафоев фурсатни ўтказмай, хўжаликка йўл олишади. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, майор В. Сушенко ҳам ҳаяллamай жиноят содир бўлган жойга етиб келади. Жабрланувчи кампир ҳашарга келган шаҳарлик ўқувчилардан гумони борлигини маълум қилгач, В. Сушенко Д. Шерматов ва Ш. Сафоевга зудлик билан текшириш ўтказишни топширади. Ходимлар қишлоқ кенгаши котиби ва шу ерлик фуқаролар гувоҳлигида . гумон қилинаётган ўқувчилардан воқеа тафсилотини сўраб-суриштиришади. Жиноятни пайсалга солмай очишга қаратилган бу ҳаракат гувоҳлар кўз ўнгида ва ошкора ўтказилиб, ўқувчилар бир неча соатдан сўнг қўйиб юборишади. Вироқ...

Фалокат босса ҳатто ота-ана ҳам тишни синдираркан. Ўриш, сўкиш, ҳақоратлардан холи бўлган мазкур текшириш пировардида Шерматовнинг тишини чунонам «синдирди»ки, оқибатда бечора милиция ходимининг турмуши заҳар-заққумга айланди. В. Сушенко уни айнан ўзи буюрган иш учун аёвсиз қувғинга олди. Ўша кечаси ширин уйқудан, оромидан кечиб хизмат вазифасини, раҳбарлар топшириғини сидқидилдан ўтаган Д. Шерматовни «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, «ўқувчиларга тан жароҳати етказиб, уриш, ҳақоратлаш»да айблаб, ҳафтага қолмаёқ ишдан бўшатишади. Адолат истаб вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи В. Лесних ҳузурига борганида эса қабулхонага йўлатмаёқ, авахтага тиқиш пайидан бўлишди. Ўшанда Шерматовнинг қабулхонадан деярли қочиб чиқиши ва республика прокуратурасига боришдан ўзга иложи қолмовди. Хайриятки, вилоятдан топилмаган озгина адолатни пойтахтдан топди. Шундан сўнг текшириш тадбирлари бошланиб, Д. Шерматовнинг мутлақо беайб эканн маълум бўлди. Вилоят прокурорининг қарорига кўра, жиноят қидирув нозири устидан қўзғатилган айблов иши ва қамоққа олиш ҳақидаги ҳужжат бекор қилиндн. Д. Шерматовнинг боши узра чарх урган «қора қузғун» қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, шунчалик тез ғойиб бўлди. Жабрдийдага ёрдам истаб ўзи жабрдийдага айланган жиноят қидирувчиси партия сафига ҳам қайта тиклашди. Ва... Воқеалар ривожи шу нуқтага етганда, ишлар таққа-тақ тўхтади. Д. Шерматовни ишга тиклашмади.

Шундан сўнг «Халқ сўзи»га мактуб йўллаган Давлат Шерматов бу бедодликлар сирини очишда кўмаклашишимизни илтимос қилди. Мактуб боис унинг муаллифи билан қайта-қайта суҳбатлашдик, турли ҳужжатларга, масъул адлия ходимларига мурожаат қилдик. Охир-оқибатда эса жиноят қидирув нозири беайб бўлиб чиқаверди.

«Шерматов вазифасидан мутлақо асоссиз бўшатилган, деб ҳисоблайман. Ўша кунги воқеани биргаликда текширганмиз. Воқеа содир бўлган пайтда мен ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажараётгандим. Аслида Шерматов жиноят содир бўлган ҳовли ва унинг атрофини тонгга қадар қўриқлаш, гумондорларни синчиклаб кузатиш, текширишни эса эрталаб ўтказишни таклиф қилди. (Амалдаги қонун-қоидага биноан тунда тергов ишларини олиб бориш маън этилади —А. С.). Бироқ В. Сушенко ва туман прокурори У. Матёқубов бунга қатъиян қарши чиқдилар, текширишни шу заҳотиёқ бошлаб, ўқувчиларни қишлоқ кенгаши биносига олиб келишни буюришди. Шерматов ва биз буйруқни бажариб, гумон қилинаётган ўқувчилар билан батафсил суҳбатлашдик. Унда гувоҳлардан ташқари ўша мактабнинг ўқитувчиси ҳам қатнашди. Шерматов ҳеч кимни ургани, қийнагани йўқ», (Туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Р. Иброҳимовнинг тушунтириш хатидан).

Бундай ижобий сўзларни ўша кунги текширувда қатнашган кишилар, шунингдек, Д. Шерматовнинг ҳамкасбларидан ҳам эшитдик. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, унда нега бир софдил милиция ходимининг номи ёмонотлиқ қилинди? Энди мана бу сўзларга эътибор беринг-а:

«Ҳамқишлоқ кампир гумонсираган ўқувчилар бизнинг уйимизда вақтинча яшаб, пахта теришган, хонадон эгаси бўлганлигим учун ҳам барча воқеалар шоҳидиман. «Шерматов болаларни уриб, жароҳатлади» деган гап мутлақо ёлғон. Тунда суриштирув ўтказилди, бироқ милиция ходимлари ҳеч бир болани урганлари ёки ҳақоратлаганлари йўқ. Рости гап эса ўша болалар «ёшуллилар»нинг фарзандлари эди. Шунинг учун ҳам уларнинг ёлғон-яшиқ ғуҳматлари ишчан ва жонкуяр милиция ходимининг номини булғади. Башарти ўша болалар оддий деҳқон ёки чорвадорнинг фарзанди бўлишганда эди, уларнинг арзи шу қадар диққат билан тингланмаган, воқеалар изи ҳам бу қадар сохталик билан текширилмаган бўлур эди».

(Хонадон соҳиби Б. Олларгановнинг изоҳномасидан).

Энди яна воқеалар тизимига қайтамиз. Ўша машъум тунда «ороми бузилганлар» амалдорларнинг фарзандлари эканлигини юқорида изоҳнома муаллифи эслатиб ўтди. Чиндан ҳам машғулотлар русча олиб бориладиган Гайдар номли мактабда кўпгина «ёшуллилар»нинг фарзандлари таҳсил кўришган. Даъвогар Д. Шерматовнинг таъкидлашича, болалар ота-оналарига шикоят қилишган, улар эса ўз навбатида даврнинг «десантчи»лари: вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби Ю. Гудьков, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи В. Лесних, унинг ўринбосари В. Сушенкога (эндиликда учаласи ҳам собиқ) бирин-ўн қилиб етказишгани аниқ. Ва натижада ҳақиқий жиноятчини эмас, жиноят изловчиларни «ов» қилишган.

Р. Иброҳимов билан Ш. Сафоев ҳам ўшанда қийноқ ва тазйиқ машинасининг барча чиғириқларидан ўтишган.

— Тунги тергов — текширишларнинг бош буйруқчиси ва ташкилотчиси В. Сушенко ҳамтовоғи ва раҳнамоси Гудьковнинг буйруғига биноан аслида йўқ айбдорни кашф этиш ва ҳарна қилиб бўлса-да бутун юкни Шерматовнинг гарданига ағдариш пайидан бўлди, — дейди ўша воқеани хотирларкан Р. Иброҳимов. — Воқеадан бир неча куни ўтгач эса мени Урганчга — кабинетига чақириб, «биров сўраса ўша кунги тергов-текшириш чоғида Сушенко бўлмаган, ҳамма ишнинг бошида Шерматов турган», деб айтишим зарурлигини қаттиқ тайинлади. (Иброҳимов бу кўрсатмасини ёзма равишда ҳам тасдиқлаган— А. С.).

Бироқ «эркатой»ларнинг ҳомийлари айтганига кўниб, жиноятни қашф этувчи, тирноқ остидан кир излагувчи пасткашларни топишолмади. Оқибатда Ўзбекистон жиноят-процессуал кодекси 150-моддасининг (уриб, хўрлаганлиги, тан жароҳати етказганлиги учун узоқ муддатли қамоқ жазоси кўзда тутилган) иккинчи банди билан айбланган Шерматов аросатдан халос бўлди. Аммо унинг қадамидан иллат ахтарувчилар барибир тинчишмади. Агарда у оқланса, бунинг учун кимлардир жавоб бериши аниқлигини улар жуда яхши билишарди. Шу боис Шерматовни ими-жимида 150-моддадан халос этиб, 48-моддага (ўртоқлик суди ҳукмига ҳавола этиш билан жазолаш кўзда тутилган) рўпара қилишди. Бундан Шерматовни жуда бўлмаса милиция органларидан ҳайдаш ниати кўзлангани аён. У эса ҳақиқат ва адолатни қатъият, ирода билан талаб қилишдан чарчамади. Аммо жабрдийданинг шикоятлари барибир инобатга ўтмади. Иш ўртоқлик судида ҳам кўрилмади. Боиси, энди ундан Шерматовга наф, қарши тарафга эса зиён етиши аллақачон аён бўлиб қолганди. Хуллас, жамоат судидан ҳам ҳайиқишди. Шу орада «Шерматов иши» кашфиётчилари жонига оро кирувчи яна бир воқеа содир бўлди. Прокуратура «хатти-ҳаракатларида жиноят аломати буткул йўқлиги»ни тасдиқлаб жиноят кодексининг 5-моддаси иккинчи банди асосида «Шерматов иши»ни узил-кесил тўхтатиб қўйди. Кўрдингизми, энди ҳеч қачон суд ҳам бўлмайди, жабрланувчининг шикоят аризалари ҳам тан олинмайди. Энг ачинарлиси, тегирмон тескари айланган каби ишлар чалғитилиб, ҳақиқий жиноятчилар ҳам изсиз кетди.

Мана шунга ҳам бир неча йил бўлди. Шерматовнинг ҳасратидан эса ҳамон чанг чиқади. Негаки, уни ишдан олишгани, устидан «иш» очишгани, партиядан ҳайдашгани етмагандай, туман газетаси ва радиосида, турли мажлису йиғилишларда бир неча бор бадном этишувди. Оддий кишилар, ҳамкасблари, таниган-билганлар, дўст-биродарлари уни ҳеч қандай расмий ҳужжатларсиз аллақачон оқлашган бўлса-да, бу ҳўрликларни у унутолмайди. Ягона истаги эса, бегайблиги Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам тан олинишига эришишдан, севимли касбига қайтишдан иборат...

Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Бу китобни ўқидингизми?*

ФАХР МАДҲИ

Республикамиз мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон» нашриёти таниқли иқтисодчи олим Мурод Шарифхўжаевнинг «Ифтихор» номли рисоласини кенг жамоатчиликка туҳфа этиб, бениҳоя савобли иш қилди. Ушбу китоб ҳажм жиҳатидан катта бўлмаса-да, мазмунан бой: мамлакатимизга истиқлол берган эрк ва имкониятлар, улар билан алоқадор иқтисодий, сиёсий, маънавий қадриятлар тўласинча ўз ифодасини топган.

Мурод Шарифхўжаев



Рисола «қуёшдан нур эмган диёр»нинг бугунги ижтимоий портрети тавсифидан бошланади. Ва муаллиф ҳақли сурватда уни — Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғловчи энг муҳим йўллар чорраҳасида жойлашган, олтин тупроғи, мусаффо табиати, ақл-заковатли, ҳалол, меҳнаткаш халқи бўлган Ўзбекистонни «Қуёш фарзанди» деб атайди. Маълумки, бу улкан қуёш фарзанди — фақат яхшилик, бахт келтирувчи, ҳурматли Президентимиз таъкидлаганларидек, келажаги буюк давлатдир.

Муаллиф китобда мустақиллик мамлакатимиз учун туғдирган имкониятларнинг барча қирраларини чуқур илмий таҳлил қилиб берган. Муҳими — унда мустақилликнинг кўпчилик ҳамиша ҳам аҳамият беравермайдиган томонларига китобхон диққати жалб этилади. У, яъни истиқлол бир лаҳзалик сиёсий акт бўлмаганлиги, тинимсиз курашлар натижаси эканлиги, бу курашларда юртбошимизнинг фидойилиги, изчиллиги ва истиқболни кўра билишлиги ёркин мисоллар орқали исботланади.

Мустақиллик шарофати туфайли халқимизга ўзлигини билиш ҳуқуқининг берилиши мадҳи китобнинг бошидан охиригача жаранглайди. Бу ҳуқуқ эса халқимиз, мамлакатимиз келажагини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Айниқса, ўзбек халқи улуғ тарихининг қандай бўлса шундайлигича ўзига қайтарилиши, нокас манкуртлар томонидан бадном қилинган табаррук улуғларимиз иззат-икромининг жойига қўйилиши, она тилимизга жон ато этилиши муаллиф томонидан нафақат объектив ва ҳаққоний, айни вақтда чуқур ҳаяжон билан баён қилинган.

Китобчанинг «Иқтисодий мустақиллик чорраҳаларида» деб номланган бобида мамлакатимизнинг иқтисодий турмуши ҳақида фикр юритилади. Ўз илмий ижодини республикамиз иқтисодиёти таҳлилига бағишлаган олим ушбу рисоласида Ислом Абдуғаниевич илгари сурган бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли — тамойилларидан келиб чиқиб, мустақил миллий иқтисодни қарор топтиришга кўмаклашувчи талай илмий-амалий таклиф, ғоя ва мулоҳазаларни баён этади. Улар, бир жиҳатдан, Ўзбекистоннинг бундан кейинги иқтисодий равнақи йўлларини белгилашда муҳим аҳамият касб этса, иккинчи томондан, халқимизда, ёшларимизда мустақилликни мустаҳкамлашнинг иқтисодий соҳаси бўйича жавобгарлик ҳиссиётини шакллантиради.

Айни чоғда муаллиф Ўзбекистон равнақининг юртбошимиз белгилаб берган беш тамойилини тавсифлаш орқали халқимизнинг республикамиз ўз тараққиёт йўли дастурини янада чуқурроқ англашлари, билишларига катта ёрдам беради.

Китобнинг «Осойишталикнинг сири» деб номланувчи боби қатор долзарб масалаларнинг қўйилиши, сиёсий-ижтимоий ҳолатларнинг атрофлича таҳлили, улардан чиқарилган сиёсий-фалсафий хулосаларнинг теранлиги билан ажралиб туради. Муаллиф «Ҳозирги кунда нафақат биз, балки жумладан ҳақон сиёсатчилари жавоб излаётган масала — мураккаб ва зиддиятли халқаро муносабатларни юмшатиш учун хизмат қилиши мумкин бўлган Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг сири нимада?» деб китобхонларга савол ташларкан, «Бунинг сири И. А. Каримов олиб бораётган изчил, очиқ, ўйланган, мақсадга мувофиқ ички ва ташқи сиёсатдадир», дея унинг ўзи аниқ-равшан жавоб беради. Бу ҳаққоний фикр ҳозир Ҳамдўстлик мамлакатлари, узоқ хориж журналистлари, сиёсатчилари томонидан тан олинмоқда. Ўзбекистоннинг ўз сиёсий андозасидан қатто Президентимизни авторитаризмда айблаб келган раҳбарлари ҳам фойдалана бошладилар. Юртбошимиз олиб бораётган инсонпарвар ички сиёсат улар учун энди ўзини ҳаётда оқлаган сиёсий дастур, қўлланма вазифасини ўтаётир. Ҳа, ҳақиқат, албатта, қарор топади. Кўҳна тарих бундай ғувоҳликларга бой. Бу айни вақтда бизга, муаллиф ёзганларидек, буюк ифтихор ҳиссини бахшида этади.

Нормурод МАМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ОЗ БЎЛСА ҲАМ ҲАРНА-ДА

Жумҳурият истиқлолининг икки йиллиги арафасида Ленинобод вилояти ижроқўми олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор чиқарди.

Бозор иқтисодига ўтишнинг қийин дамларида вилоят талаба йигит-қизларига 40 миллион сўмга яқин маблағ берилди.

Шунингдек, ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳарбий хизматчиларга ҳам халқ депутатлари вилоят кенгашининг бюджетдан ташқари ҳазинасидан каттагина маблағ ажратилди.

У. ЎРИНБОЙ,
Хўжанд.

«БИЗЛАР ИШЛАЯПМИЗ...»





Тўғриси, ғузорликлар «қизил» мақтов сўзларни ёқтиришмайди. Айниқса, пахтакорлари шундай. Газетбоп саволлардан берсангиз, жайдарилик билан «кўриб турибсиз, ишлаяпмиз. Худо кунндан қарашса, бу йил ҳам юзимиз ёруғ бўлади» деб қўйишади.

Дарвоқе, туманнинг Ленин номидаги жамоа-ширкат хўжалиги уч йилдан бери Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўз режаларини бажариб келишади. Бу йил ҳам хўжаликда мўл пахта ҳосили етиштирилди.

СУРАТЛАРДА: 1. (чапдан ўнгга) хўжаликнинг бош ҳисотчи Қўзи Уролов, бош ҳисобчиси Жўрабек Абдуллаев, бригада бошлиғи Омон Ҳимматалиев ва пахта машиналари гуруҳи раҳбари Инат Ражабовлар пахтазорда. 2. Илғор теримчи Шаҳодат Эшпўлатова.

Жўра АВАЗОВ олган суратлар.

• *Биз ҳақимизда ёзадилар*

ЎЙЛАБ КЎРИБ, ЙЎЛЛАРИНИ ТАНЛАШДИ

Ўзбекларда яшаб турган макону оилаларини тарк этиб, кетиш одат бўлмаган. Асрлар давомида қарор топган урф-одат на аънаналарга садоқат кучли. Катталар ҳурматда, ёшлар иззатда. Оиланинг каттаси — ота ёки бобо. Маҳаллага эса сайлаб қўйиладиган энг тажрибали ва одил оқсоқоллар бошчилик қилишади. Аҳиллик устивор бўлиб, уйларни кўпинча биргалашиб, ҳашар йўли билан қуришади. Миллатидан қатъий назар, бошига ташвиш, мусибат тушганларни ёлғизлатиб қўйишмайди, қўллашади. Хушхулқ, виждонли, инсофли кишилар улуғланади.

Советлар ҳокимияти йиллари ҳам бу хайрли анъаналарга ҳеч ким раҳна сололмади.

Мамлакат иқтисодиёти ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари қатъий ва ҳамманинг ҳамёни кўтара оладиган нархларда, талон асосида сотилади.

Иккинчидан, хўжаликларнинг илгари асосан пахта экиб келинган бир қисм ерлари бозорни арзон маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида деҳқонларга бўлиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерлар хусусий мулк қилиб эмас, балки мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан фойдаланиш учун берилди. Фақат уйжойлар ҳамма ерда хусусийлаштирилди. Яна бир муҳим янгилик шуки, қарилик пенсиялари миқдори МДҲ мамлакатлари ичида энг юқори. Шу боис Ўзбекистонда Москвадаги каби гадойларни учратмайсиз.

Булар ижтимоий танглikни юмшатган, барқарорликни таъминлаган дастлабки чоралар, холос. Ислоҳот масаласига келсак, жумҳуриятда Россиядагидан бошқача стратегия танланди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов тажрибали амалиётчи, иқтисодчи, молиячи, сиёсатчи. Ислоҳотнинг у таклиф этган тамойилларига кўра, ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлади. Янги уйни қурмай туриб, эскиси бузиб ташланмайди. Бу дегани — емирилиш эмас, аксинча, замонавий кўпукладли иқтисодиёт сари бир маромда ҳаракат қилишдир. Шу боис жумҳурият иқтисодиёти қўшни мамлакатлардагига нисбатан анчагина пишиқ-пухта. Қатъий молиявий сиёсат шарофати ўлароқ биринчи ярим йилликда жумҳуриятнинг бюджет даромади буромадга нисбатан 15 фоиз юқори бўлди. Шу йил июнь ойида саноат ишлаб чиқаришн кейинги икки йил ичида биринчи марта 3,5 фоиз, шу жумладан, халқ истеъмол моллари 6,6 фоиз, нефть эса 17,5 фоиз кўпайди. Нефть қазиб олиш ҳозирги суръатларда давом этса, икки йилдан сўнг Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган бўлади.

Россияга, МДҲнинг бошқа мамлакатларига олиб борадиган эшикни қаттиқ ёпмасликка, иқтисодий, маданий, инсоний алоқаларни узмасликка интилаётган Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ғарб ва Жануб томон, хусусан тарих, маданият ва жуғрофий жиҳатдан ўзига яқин бўлган Туркия сари ҳам кенг эшиклар оча билди.

Ўзбекистон ўтказаётган сиёсат маҳаллий шароит ва ҳаёт тажрибаси тақозо этаётган ўз суръатлари, босқичлари ва устивorликларига эга. Қўшни Тожикистондаги қонли фожиалар сабоги ҳам эътиборда. Ўзбекистонда ҳам бундай хунук воқеалар юз бермаслиги учун мухолифатнинг бир қисмига қарата қатъий, аммо эҳтиёт чора кўришга тўғри келди. Халқ ҳам буни тўғри тушунди. Бироқ Россиядаги айрим матбуот органлари Ўзбекистондаги аҳволни ўз кўзлари билан кўриб, билиб турганидек, бу сиёсатни қоралашга уриндилар.

Бинобарин ишлаб турган механизм мурватига қум сепилса, унинг фаолиятига путур етказади, албатта. Вироқ бу қум парчаланиб, чангга айлантирилиб йўқ қилиб юборилиши ҳам мумкин. Бундай воқеалар тарихда кўп бўлган.

Руслан ЛИНЕВ.
(«Российская газета»дан қисқартириб босилди).

Йўлдош ОТАШ

ТОМИРЛАР ТУТАШДУР, ШОХЛАР ЧАМБАРЧАС

Йўлдош Муқимов ўспиринлик давридаёқ шеърлар ёза бошлаган эди. Олийгоҳ ва дорилфунунда таҳсил кўриб юрган йилларида жумҳурият рўзнома ва журналларида унинг шеърлари босилиб турди.

Кейинги йилларда яна шеърият қўйнига қайтди: муаллифнинг «Минг маржон» деб аталган кўп жилдли асаридаги афсона, ривоят, нақллар, достонлар назм ва наср билан омуҳта қилиб ёзилмоқда, халқ анъанаси тикланмоқда. Шу туркумдан яқинда нашр қилинган «Наврўз нақли» достонидан олинган айрим қадимий ўлан ва қўшиқлар куйга солинди.

Йўлдош Муқимов миллий мустақиллигимиз икки йиллиги арафасида яна бир туркум шеърлар ёзди. Улардан айримларини муштарийларимиз диққатига ҳавола этамиз.

ОҚ ТУЛПОР

Пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонидаги яйраб-яшнаган гуллар орасида бобокалонимиз, пуштипаноҳимиз, Буюк Турон Султони Соҳибқирони Амир Темурга мангу ёдгорлик — ҳайкал ўрнатилди... Жумлажаҳоннинг не-не мамлакатларида, неча-неча жанг майдонларида синалган, зафардан зафарга элтган севимли Оқ тулпор узра Улуғ Соҳибқирон забардаст қаддини ростлаб, йироқ-йироқларга мағрур назар ташлаб турибди. Шижоат ила қадам отиб сакрамоқчи бўлаётган куч ва қудратга тўла виқорли арғумоқнинг жиловини маҳкам тутиб турибди...

Ўз истиқлолини қўлга киритган элимизнинг бугунги сардорига асрлар давомида Турон салтанатида бирга яшаб келган, ҳозир ҳам келажак сари қўлни қўлга бериб, бирга бораётган қонқардош қўшни юртлар қўша-қўша тулпорлар, арғумоқлар тақдим қилмоқдалар-ки, бу унутилмас воқеаларда қандайдир бир табиий ички боғланиш-бирдамлик тимсоли, муштараклик рамзи акс этади.

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, туйғуларга тўла қалбимга беихтиёр шеър қуйилиб келади. Бу шеър қутлуғ Тулпор тўғрисида, бизни зафарлар қанотида олиб учган, эндиликда яна янги зафарларга чорлаётган тулпор хусусида.

Сакраётган оқ тулпор,
Қалбингда қайнар виқор.
Йўлда юксак тоғлар бор,
Қанотинг ёйиб юбор.
Оқ тулпорим, оқ тулпор
Тангри бўлсин сенга ёр.
Қилавер дадил парвоз,
Елкангда зўр чавандоз
Мумтозлар ичра мумтоз,
Соҳибқирон ҳам устоз.
Оқ тулпорим, оқ тулпор
Элингга сен ифтихор.
Сенга Ерда йўллар тор
Кўкда сайёралар бор.
Уч шунқорим, уч шунқор
Учиб ўшаларга бор.
Оқ тулпорим, оқ тулпор
Толе бўлсин сенга ёр.
Қаёнга кетган эдинг,
Валким сен йитган эдинг
Юзинг бекитган эдинг,
Ўзинг ғам ютган эдинг.
Оқ тулпорим, оқ тулпор
Кутар эдик сени зор.
Бўлган эди элинг хор
Душманларга ов-шикор.
Бир қўлга ол зулфиқор
Бир қўлга донра, дутор.
Оқ тулпорим, оқ тулпор
Юртингга бўл мададкор.
Яккалигимни сезди,
Сени тангрим етказди.
Битта эмас, эгизди,
Бошим кўкка тегизди.
Оқ тулпорим, оқ тулпор
Бўлгил мангу бахтиёр.
Тулпормисен ё бедов,
Йўлларинг тўла сиров,
Учраса ғов, келса ёв,
Енгиб ўтгил беаёв.
Оқ тулпорим, оқ тулпор
Сени қутлар юрт-диёр.

СЕНИНГ ИШҚИНГ МЕНГА ЮРАКДАН ТЕККАН...

Отам ҳам, отам ҳам ўзингсан Ватан,
Мўътабар қучоғинг яшнаган чаман.
Сени кўриб турсам кўнглимдир равшан
Сендан йироқ юрсам ўзимда туман.
Менга бешик бўлган ҳур ошиёнсен,
Томирда жўш урган қонсен ва жонсен
Қайларда бўлмайин сен ёнма-ёнсен,
Виждону имонсен, шарафу шонсен.
Туплар аллалайсен менга бахт тилаб,
Тонгда уйғотасан сийлаб, эркалаб
Ҳуснингга тўймайман термулиб, қараб,
Таъзим қилай дейман тупроғинг алаб,
Сорининг келаман узоқ-узоқдан,
Мисли халос бўлиб кишан, тузоқдан.
Майин еллар елур чўллардан, тоғдан,
Хушбўй ҳидлар келур чамандан, тоғдан.
Гулдек туюлади менга ҳар тикан,
Сендай юрт, билмайман қайда бор экан,
Барҳаётга боболар меҳргиё экан,
Сенинг ишқинг менга юракдан текқан.

ҚОРАБАЙИР

Қорабайир — Учқурим, қарчиғайим,
Парвоз қилгил, тўрғуғимсен, тўрғайим
Сенинг билан бирга ўсдим, улғайдим
Йўлдошим сен ёрим бўлғайсен...
Ғиркўк, Бедов, Бойчибор яна отинг
Дулдул бирла тулпордур асли зотинг
Гўрўғлию Алпомишдур зурётинг,
Авазхонни олиб учди қанотинг.
Кишнаганда жаҳон тинглаб тилингни,
Темурхонга тутдинг эгиб белингни
Қилич қилиб тандаги ҳар қилингни
Олам аро донғин ёйдинг элингни.
Кўкка учсанг осмон сени қучоғлар
Олқишлайдн пастда тизилган тоғлар.
Тошга тегса учқунлайдн туёғлар
Ҳавас қилиб қарайди сўлу сўғлар
Элу юртинг жамолинг, тимсолингда,
Бахтинг ёзиқ манглайингда, холингда.
Жанга кирсам ёстанурман ёлингда,
Қутлуғ кунлар кутар истиқболингда.

САМАРҚАНДУ БУХОРО...

Самарқанд сайқали рўйи заминаст,
Бухоро қуббати Исломи диност,
Ором ахтарарлар қийналган жонлар
Ба лекин онлмаслар жаннат ҳаминаст.
Тангри назар қилган табаррук тупроқ
Муқаддасдур, муқаддасдур, муқаддас.
Йироқ-йироқларда орзиққан дилар
Қутлуғ қадамжони қилурлар ҳавас.
Бирининг кўнгладан бири сув ичар,
Аслида икки дил пайванду, пайваст.
Айирмоқ бўлурлар ғофил бандилар,
Ошиқ-маъшуқ эса ишқдан маст-аласт.
Дийдор кўришурлар, тўймаслар асло,
Мисоли қуёшу гул офтоб...
Азиз бриодарлар, қўшчинор кабн
Томирлар туташдур, шохлар чамбарчас.
Асрлар ўтурлар бўронлар янглиғ
Ев-ла ёпирилурлар ҳуруж, қасд.
Қўлни қўлга бериб икки азамат
Жангу жадал ичра марду, басмас-бас.
Билак ушлашганлар таслим бўлмаслар
Алвон қон оқса-да, кўкрак еб шикаст
Самарқанд тинглагил, эшит Бухоро,
Замонлар ўчарлар, номларинг ўчмас...

ҲИЛОЛИЯ

Мовий осмонингда Янги Ой—Ҳилол,
Қутлуғ бўлсин сенга, Она юрт, Иқбол!
Қаддингни ростлагил, кўрай истиқлол,
Қониб дийдорингга тўяй, истиқлол!
Нафрат туйғусидан тўлғонган элим,
Ғафлат уйқусидан уйғонган элим.
Оғир юклар ортиб, эгилган белим
Аччиқ сўзлар тотиб, тилинган тилим!
Вахту тахтинг мангу бўлмасин увол
Азму аҳдинг мудом кўрмасин завол
Қўша ашиқлардан жилмаяр висол
Қўша бешикларда топгил сен камол!
Уфқингда камалак мисли беқасам
Етти иқлим сеҳри сенда мужассам
Номардлар олдида қилма бўйинг хам
Илоё чекмагил ғам-ғусса, алам.
Тоза тупроғингда мавж урар биллур
Еригдан фалакка тарқалади нур
Азизим-Ватаним яна озод, ҳур
Аср-аср оша мўътабар, машҳур...

• *Андиша*

УМРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, ИСТИҚЛОЛ!

«МУСТАҚИЛЛИК БЎЛИБ ҲАЁТИМИЗДА НИМА ЮЗ БЕРДИ?»

Кўпинча шундай таъналомуз саволни эшитиб, ўзимни қўярга жой топа олмай қоламан. Бу одамларга қандай қилиб тушунтирсам экан, нималарни мисол қилиб келтирсам, ўша гумроҳ қалбда заррача бўлса ҳам, ўзига, ўзи беқлигига ишонч уйғота оларкинман, қачон шундай умидсизларча фикрловчилардан қутуларкинмиз? — деган хаёллар тинчлик бермай қўяди. Имкониятим даражасида қуйиб-пишиб фикрларимни исботлашга ҳаракат қилсам ҳам, яна лоқайдларча: э, ука, қўй, аввал бир сўмга юз қути гугурт берарди, ҳозир бир қутисини 3 сўмга ололмайсан, деган тунд лукмани эшитганимдан сўнг куйиб-пишганим ҳавога учганлигидан қаттиқ афсусланаман. Яна ўзимга таскин бериб, майли, бизнинг онгимиз 70 йиллик салтанат суви билан суғорилганлиги асорати бу, бундай онгни бир-икки йилда ўзгартириб бўлармиди, ортимиздан янги, соғлом фикрлайдиган ёш авлод етишиб келаяпти-ку, деб қўяман.

Ҳа, орамизда бундай лоқайд одамлар, минг афсуски, ҳали истаганча топилади. Борларининг ҳам аксарияти ўрта ва кекса ёшдагилар. Баъзида қизишиб кетиб, уларнинг кўнглига қаттиқроқ тегиб қўяман-да, бир неча кун истиҳола ҳам қилиб юраман.

Ҳаётимда икки марта чет давлатларга — 1983 йили Чехословакияга, 1987 йили Болгарияга бориш бахтига мушарраф бўлганман. Иккала давлатда ҳам мендан «Русмисан?» — деб сўрашганди. Йўқ, ўзбекман, десам индамай елка қисиб қўяқолишган. Ҳа, ўша пайтлар ўзбек деган халқ, миллат борлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди кўпчилик хорижликлар. Бугун эса... Мана, бизга мустақиллик нима берди.

Ҳали айримларда фахр туйғуси — миллий ғурур етишмайди. Биз ҳали тобелик руҳидан, миямизга сингиб қолган эски фикрлардан тўласинча қутула олмаяпмиз. Эски тузумни, СССРни қўмсаб юрган ҳамюртларимга, сизлар шундай бепоён, келажаги буюк бўлган Ўзбекистондек Ватанга, унинг бериб турган тузу нонига сидқидилдан шукр қилишга, кези келса ҳавфсизлиги учун жонингизни тика олишга тайёрмисиз, демоқчиман.

Юртимиз осойишталиги боис неча-неча буюк давлатларнинг ишбилармонлари иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун бизнинг давлатимизга келаётганлиги бежиз эмас. Улар бекорга республикамизни танлашаётгани йўқ: Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатлар қаторига чиқиб олишини кўриб-билиб, идрок қилиб турибдилар. Хорижликлар келажагимизнинг фаровонлигига ишонсалару, биз ишонмасак, бундан ҳам батгар тубанлик бўладими, ахир?

Тарих чархпалаги айланаверади, йиллар кетидан йиллар келаверади, бизнинг мустақиллигимизни салбий тарғиб қилувчиларнинг сафи камаяверади. Ҳур Ўзбекистоннинг ҳур фикрли, жасоратли фарзандлари дунёга келади!

Келинглар, яхшиси, ёшларимизнинг онгига келажакка умид, миллий ғурур, Ватан билан фахрланиш туйғуларини сингдирайлик!

Жўра ЭЛМУРОД.
Касби тушкин.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ - ЮРТ БОЙЛИГИ

"Ўзбекистон" дам олиш соғломлаштириш акционерлик жамияти даволаниш ва дам олишни хоҳловчи барчанинг энг катта истакларини амалга оширишга қодир.

Сочи шаҳридаги "Ўзбекистон" санаторийси.

Дам олувчилар Қора денгиз бўйидаги барча қулайликларга эга бўлган бинода бир ёки икки кишилик "люкс" хоналарга жойлашадилар. Шарқона чойхона-ресторан, яхши жиҳозланган пляж, сув, балчиқ билан даволаш, диагностика ва физиотерапиянинг энг янги ускуналари дам олувчилар хизматида бўлади. Бу ерда юрак-қон томирлари, ҳаракат органлари, гинекологик хасталиклар даволанади. Автобусда ва денгиз саёҳатлари уюштирилади. Туркияга бориш ҳам режалаштирилмоқда.





Кисловодск шаҳридаги "Ўзбекистон" санаторийси.

У шаҳарнинг парк ҳудудида жойлашган. Бу ерда бир ва икки кишилик "люкс" хоналар, балчиқ билан даволаш, нарзан ванналари, замонавий диагностика мавжуд. Сиз неврологик, юрак-қон томирлари, ошқозон касалликларидан даволанишингиз мумкин.

Ялта шаҳридаги "Ўзбекистон" санаторийси.

У Бухоро Амирининг собиқ дам олиш маскани ҳудудидаги ўрмонликда жойлашган. Дам олувчилар болалари билан ҳам қабул қилинади. Бу ерда нафас олиш органлари, юрак-қон томирлари, гинекологик хасталиклар даволанади.

Корхоналар, ташкилотлар, тадбиркорлик ва тижорат тизимлари раҳбарлари, Сиз ўз хизматчиларингизга ижтимоий зарурат маблағлари ҳисобидан дам олиш ва даволаниш учун бу санаторийларга имтиёзли йўлланмалар олишингиз мумкин.

Йўлланмалар нақд пулга ва ўтказиш йўли билан сотилади.

Барча масалаларни қуйидаги манзилда ҳал этиш мумкин:
700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Жуковский кўчаси, 65.
Телефонлар: 32-27-43, 32-26-33, 33-64-92.

МУҲТОЖЛИКДА ҚОЛИШМАЙДИ

ТОШКЕНТ шаҳрининг Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалла қўмитаси фаоллари бозор иқтисоди шароитида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш борасида қатор тадбирларни амалга оширишаяпти. Яқинда ана шундай хайрли ишлардан навбатдагиси жўпчилик дилини хушкуд этди.

Маҳалла саркори Аъзам Юсуфхўжаев, Фазлиддин Жамоловлар фаоллар билан бамаслаҳат ночор, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишга қарор қилишди. Яқинда ана шу ёрдам пулини топширишга бағишланган йиғин бўлди. А. Юсуфхўжаев, аёллар билан ишлаш шўъбаси ранси Х. Тўхтаева, Қаҳрамон она Х. Турсуновалар бундан кейин маҳалланинг кам даромадли, кўп болали оилаларини муҳтожликда қолдирмаслик чораларни кўрилаётганлиги хусусида гапирдилар.

Йиғин сўнггида 50 оилага 2 минг сўмдан беш минг сўмгача ёрдам пули топширилди. Кўп фарзандли 25 хонадоннинг болаларига эсдалик совғалари улашилди. 15 оилага совға-саломлар топширилди.

— Бундай хайрия тадбирларини тез-тез ўтказиш анъанага айланмоқда, — дейди қўмита ранси муовини Фазлиддин Жамолов. — Маҳалламизда Наврўз байрами хайрия жамғармасини ташкил этгандик. Анчагина маблағ йиғилган экан. Уни ана шундай кори-хайрга сарфлашни лозим топдик.

Маҳалла шу атрофдаги 89, 135, 144-ўрта мактабларни ҳам оталиққа олди. Энди маориф соҳасидаги улбул тақчилликлар, баъзи таъмирлаш ишлари ҳам бамаслаҳат ҳал этиладиган бўлди.

М. УСМОНДИЕРОВА.

ОЧКОЛАР, ВОҚЕАЛАР, НАТИЖАЛАР...

Каспаров ва Шорт ўртасидаги жаҳон тожи учун бораётган баҳсда россиялик гроссмейстернинг ғолиб чиқишига ҳеч ким шубҳаланмай қўйди. Ўтказилган тўқизинчи партияда ҳам Гарри ғалаба қозонди. Қора доналарда ўйнаган Шорт бу сафар ҳам бешинчи партиядаги каби. (бу партия дуранг билан тугагандн) уй вазифасини аъло даражада бажариб борди. Бироқ Каспаровнинг 11-юриши унинг учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Найджел бунга 45 дақиқа жавоб ўйлади. 16 юришда фарзинлар алмашгач, қораларнинг тахта устндаги ҳаракат фаоллиги сусайди. Шундай бўлишига қарамай, Шорт партияни 52-юришгача давом эттирди ва ютқазди. Каспаров жаҳон чемпионлигини сақлаб қолиш учун қолган партиялардан бор-йўғи 5 очко олса кифоя. Ҳозирча у 7:2 ҳисобида олдинда боряпти.

Карпов — Тимман ўртасидаги 12-партия ҳам 50 юришдан ошди. Томонлар 51-юришдан сўнг навбатдаги дурангга имзо чекишди. Бу ерда ҳисоб — 7:5, Карпов ғалаба қозоняпти. ХШФ паноҳида ўтказилаётган бу жаҳон биринчилигининг биринчи қисми тугади. Иккинчи қисми қаерда ўтказилиши ҳозирча номаълум бўлиб турибди. Негаки, Оман султони бу учрашувга ҳомийлик қилишдан бош тортди.

* * *

Замбия футбол жамоаси яқинда авиаҳалокатга учраган эди. Лекин терма жамоанинг қайта оёққа туриши учун кўп вақт кетмади. Ўтган ҳафта янги тузилган терма жамоа ўз майдонида Сенегални қабул қилди. Футболчиларни қўллаб-қувватлаш учун ўйингоҳга Замбия давлати Президенти Фредерик Чилуба ҳам ташриф буюрди. Президентнинг пойқадами ёқиб, жамоа 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Замбия 10 октябрда Мароко билан бўладиган учрашувда дурангга эришса ҳам келгуси йили АҚШда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритади. Шунингдек, Африка қитъасидан яна икки жамоа жаҳон биринчилигининг финал қисмида иштирок этади. Бу икки йўлланмани олишга Камерун ва Нигерия терма жамоаларининг имконияти катта.

* * *

Халқаро Олимпиада қўмитасининг (ХОҚ) 101-сессияси бўлиб ўтди. ХОҚнинг 88 аъзоси 2000 йилги олимпиаданинг қайси шаҳарда ўтказилишига овоз беришди. Олимпиада 45 овозга эга бўлган Сидней шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Унинг рақобатдоши Пекинга эса 33 киши овоз берди.

Р. ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацняси бошқарув раёсати «Хоразмтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи

Рустам МАШАРИПОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Я. Ғуломов номидаги археология институти жамоаси институтнинг илмий ишлар бўйича директор муовини А. Анарбоевга укаси

Иброҳимжон АНОРВОЕВнинг фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг таҳририяти Фарғона вилояти матбуот бошқармасининг собиқ бошлиғи, уруш ва меҳнат фахрийси

Исмоил ТУХТАСИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг Иқтисодиёт ва статистика илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси илмгоҳ директорининг муовини Ф. Ф. Муродовга онаси

Ойнисо МУРОДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунабн БОЙҚУЗИЕВ, Эскиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирзакмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ЛАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пирниёз ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандақпор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — И. Худоёров.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 496. 97846 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 21.45.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6